

«TBC CREDIT»
Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati
Mikromoliya Tashkiloti
Ягона Таъсисчининг
14.10.2025 йилдаги
8-сонли қарори билан



«TBC CREDIT»
Mas'uliyati Cheklangan Jamiyati
Mikromoliya Tashkilotining

У С Т А В И

Янги тахрирда

Тошкент – 2025-й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Жамият иштирокчиси

1.1. Жамият таъсисчиси (иштирокчиси):

АТБ "ТВС Bank", Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган юридик шахс, СТИР: 207318613, юридик манзил: 100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б.

1.2. Жамият иштирокчилари бошқа фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

1.3. Жамият иштирокчиларнинг миқдори элликдан кам бўлиши шарт.

1.4. Агарда Жамият иштирокчиларнинг миқдори элликдан ошса, ушбу Жамият бир йил давомида акционерлик жамиятига ёки ишлаб-чиқариш кооперативига қайта тузилиши лозим.

2-модда. Мазкур Устав билан тартибга соладиган муносабатлар

2.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаро кодекси, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонунига ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар тузиш, фаолият турлари, қайта тузиш ва тугатиш тўғрисидаги бошқа норматив ва қонуний актларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3-модда. Асосий қоидалар

3.1. «ТВС CREDIT» Ma'suliyati Cheklangan Jamiyati Mikromoliya Tashkiloti (кейинчалик – **"Жамият"** деб аталади) Ягона таъсисчи қарорига мувофиқ тузилган.

3.2. Жамият ўз ихтиёрида ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни сотиб олиши, мажбуриятларни бажариши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.3. Жамият қонун билан белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

3.4. Жамият чекланмаган муддатга тузилган.

3.5. Жамият давлат тилида ўз фирма номи ҳамда Жамият манзили битилган думалоқ муҳрига эга.

3.6. Жамият ўз фирма номи битилган штампларига ва бланкларига, ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгиларига ва бошқа визуал идентификация воситаларига эга бўлиши мумкин.

3.7. Жамият мазкур Уставда белгиланган фаолиятларни қонун билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳамда Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда Таъсисчи бўлиши ёки ўзга шаклда бошқа юридик шахсларнинг Устав фондларида қатнашиши мумкин, шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

4-модда. Жамият масъулияти

4.1. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулклар билан жавоб беради.

4.2. Жамият ўз иштирокчисининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди

4.3. Жамият иштирокчиси ўзи қўшган ҳиссаси қиймати доирасида компания фаолияти билан боғлиқ йўқотишлар хавфини ўз зиммасига олади.

4.4. Иштирокчи айби билан Жамият банкрот бўлган тақдирда, Жамият мол-мулкининг етмаслиги шароитида, бундай шахсга жамият мажбуриятлари учун субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

4.5. Давлат ва унинг органлари Жамият мажбуриятлари учун жавобгар бўлмагани билан бир қаторда Жамият ҳам Давлат мажбуриятлари учун жавобгар эмас.

5-модда. Жамиятнинг фирма номи ва манзили

5.1. Жамиятнинг фирма номи:

Ўзбек тилида:

- тўлиқ номи: «TBC CREDIT» Ma'suliyati cheklangan jamiyati Shaklidagi Mikromoliya tashkiloti

- қисқа: «TBC CREDIT» MChJ MMT

Рус тилида:

- тўлиқ номи: Общество с ограниченной ответственностью Микрофинансовая организация «TBC CREDIT»
- қисқа: ООО МФО «TBC CREDIT»

Инглиз тилида:

- тўлиқ номи: «TBC CREDIT» Limited liability company Microfinance organization
- қисқа: «TBC CREDIT» LLC MFO

2. Жамият жойлашган манзили: 100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б (**кадастр буйича:** 100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 10Б).

6-модда. Жамиятнинг асосий вазифалари, мақсади ва фаолият турлари

6.1. Жамиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти ривожланишига ёрдам кўрсатиш, корхоналар ва ташкилотлар, ҳамда хорижий фирмалар ва хусусий шахслар билан амалий ҳамкорлик уюштириш;
- Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятни амалга ошириш ва шу туфайли даромад олиш;
- Ўзбекистон Республикаси молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодиёти соҳаларига маблағ сарфлаш.

6.2. Ўз фаолиятида Жамият қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

- **Кредит беришнинг бошқа турлари (IFUT – 64.92.0);**
- бошқа тоифаларга киритилмаган, суғурталаш ва нафақа жамғармалари хизматларидан ташқари молиявий хизматларнинг бошқа турлари;
- юқорида кўрсатилмаган ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари.

6.3. Амалдаги қонунчиликка асосан махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилувчи фаолият турлари Жамият томонидан фақат лицензия билан амалга оширилади.

7-модда. Жамиятнинг ҳуқуқлари

7.1. Ўз олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида, Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- Амалдаги қонунчилик доирасида шартномалар тузиш ва юридик шахс сифатида бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, хизматларни келишилган нарх ва тарифлар бўйича сотиш;
- Бошқа юридик шахслар устав фондида таъсисчи сифатида ёки ўзга йул билан қатнашиш, Республика ва ундан ташқари ҳудудларда ваколатхоналар, филиаллар очиш;
- Ўзининг иш фаолиятига хорижий инвестицияларини жалб қилиш;
- Кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш, уларни ижарага бериш ва олиш;
- Уюшма иттифоқ консорциум ва бирмашларга аъзо бўлиш;
- Белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай ҳисоб рақамларни очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида банк муомалаларини амалга ошириш;
- Тендер ва синовларга қантлашиш;

- Нақд пулга махсулотлар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш;
- Ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда иштимой ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мустақил равишда ўз қарамоғидан мол-мулк, қарз, камомад, бошқа зиенларини чиқариш;
- Жамиятнинг уставида кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган техник-ишлаб чиқариш воситалари, хом аше, материаллар ва транспорт воситаларини сотиб олиш;
- Ким ошди савдоси, савдо танловларда иштироқ этиш, хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- Қонунчилик талабларига мувофиқ облигациялар чиқариш йули билан заем сармоясини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

8-модда. Жамият иштирокчисининг ҳуқуқлари

8.1. Жамият иштирокчиси қуйидагиларга ҳақлидир:

- қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштироқ этиш;
- қонун ҳужжатларида ва Жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштироқ этиш;
- Жамиятнинг устав фондидаги ўз улуши ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Жамиятга ёки бошқа шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;
- қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

9-модда. Иштироқчининг мажбуриятлари

9.1. Жамият иштироқчиси қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиши шарт.

9.2. Жамият иштироқчисининг қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ ВА МУЛКИ

10-модда. Устав фонди

10.1. Жамиятнинг устав фонди унинг Ягона иштироқчиси улушининг номинал қийматидан ташкил топган бўлиб, **125 000 000 000,00** (бир юз йигирма беш миллиард) **сўмга тенгдир.**

10.2. Пул (шу жумладан чет ел валютасида), қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

10.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб 1 (бир) йил ичида Жамият Иштироқчиси томонидан Устав фонди 100 % (юз фоиз) миқдорда мол-мулк ва пул маблағи билан тўлиқ шакллантирилиши лозим.

11-модда. Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган улушлар

11.1. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

11.2. Устав фондига киритиладиган пул кўринишига эга бўлмаган ҳиссанинг пуллик баҳоси

иштирокчи томонидан тасдиқланади.

12-модда. Жамият устав фондининг (капиталининг) кўпайтирилиши

12.1. Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина ва иштирокчи қарори билан йўл қўйилади.

12.2. Жамият устава фондининг кўпайтирилиши жамиятнинг мулки ҳисобига ва (ёки) Жамият иштирокчининг қўшимча ҳиссаси ҳисобига ва (ёки) Жамиятга қабул қилинадиган бошқа шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Жамиятнинг устав фондини унинг мулки ҳисобига кўпайтириш

13.1. Жамият устав фондини Жамиятнинг мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор фақат бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

13.2. Жамият устав фонди Жамиятнинг мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма Жамият соф активларининг қиймати билан устав фонди ҳамда захира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

13.3. Жамиятнинг устав фонди ушбу моддага мувофиқ кўпайтирилганда улушнинг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

14-модда. Жамият устав фондини унинг иштирокчининг қўшимча ҳиссаси ва Жамиятга қабул қилинадиган бошқа шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш

14.1. Иштирокчи Жамиятнинг барча шахслари томонидан қўшимча ҳиссалар киритиш ҳисобига Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Қарорда қўшимча ҳиссаларнинг муайян умумий қиймати, Жамият иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори, бошқа шахслар томонидан қўшимча ҳиссаларни тўлиқ киритиш муддати белгиланиши керак.

14.2. Жамият иштирокчиси қўшимча ҳисса киритиш тўғрисидаги ўз қарори ва (ёки) бошқа шахснинг уни Жамиятга қабул қилиш ва ҳисса киритиш тўғрисидаги аризаси асосида Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

14.3. Жамият иштирокчисининг қарорида ва (ёки) бошқа шахснинг аризасида ҳиссани киритиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддати, шунингдек Жамият иштирокчиси ва (ёки) бошқа шахс Жамиятнинг устав фондида эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилган бўлиши керак.

14.4. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда унинг таъсис ҳужжатларига Жамият иштирокчисининг қўшимча ҳиссасини киритиш ҳисобига ва (ёки) Жамиятга бошқа шахсларнинг қабул қилиниши, Жамият иштирокчиси улушининг номинал қиймати тегишлича кўпайтирилиши ва (ёки) бошқа шахслар улушининг номинал қиймати ва миқдори аниқланиши муносабати билан ўзгартишлар, зарур ҳолларда, шунингдек Жамият иштирокчиси улушининг миқдори ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Бунда Жамият иштирокчиси улушининг номинал қиймати унинг қўшимча ҳиссаси қийматидан кўпроқ суммага кўпайтирилиши мумкин эмас, Жамиятга қабул қилинадиган ҳар бир шахс томонидан олинadиган улушнинг номинал қиймати эса унинг ҳиссаси қийматидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

14.5. Қўшимча ҳиссасини қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Жамият иштирокчисининг қўшимча ҳиссасини ва (ёки) бошқа шахсларнинг ҳиссаларини киритиш якунларини тасдиқлаш ҳақида, шунингдек Жамият устав фонди (устав капитали) миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳисса киритган Жамият иштирокчиси улушининг номинал қийматини кўпайтириш ва (ёки) бошқа шахслар улушларининг номинал қиймати ва миқдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда Жамият иштирокчиси улушининг миқдори ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида Жамият иштирокчисининг қарори қабул қилиниши керак.

14.6. Агар ҳисса қўшишнинг белгиланган муддати ўтганидан кейин, белгиланган қўшимча ҳисса иштирокчи ёхуд бошқа шахс томонидан тўлиқ ёки қисман киритилган бўлмаса, иштирокчи:

- қўшимча ҳисса умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини иштирокчининг устав фондидаги улушини тегишлича ўзгартириб, амалда киритилган ҳиссаси миқдорига қадар у амалда киритган қўшимча ҳиссани ҳисобга олган ҳолда камайитириш тўғрисида;

• қўшимча ҳисса умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини иштирокчининг Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги олдинги қарори билан белгиланган улушини сақлаб қолиш имкониятини берадиган миқдоргача камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда Жамият ўн кунлик муддат ичида олдинги қарори билан белгиланган устав фондидаги иштирокчининг улуши ошиб кетишига олиб келган ўша киритган пул ҳиссасини Жамият иштирокчисига қайтариши шарт.

14.7. Ушбу модданинг 14.4. бандида назарда тутилган Жамият таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек иштирокчи томонидан қўшимча ҳисса ва бошқа шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар Жамият иштирокчисининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай тақдим этилмоғи лозим.

14.8. Таъсис ҳужжатларидаги мазкур ўзгартишлар Жамият иштирокчиси ва бошқа шахслар учун ўзгартишлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан кучга киради.

15-модда. Жамият устав фондини камайтириш

15.1. Жамият ўз устав фондини камайтиришга ҳақлидир, Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, Жамият ўз иштирокчиси Жамият устав фондидаги улушининг номинал қийматини камайтириши ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондини камайтириши шарт. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида устав фондининг миқдори Жамиятнинг таъсис ҳужжатларидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ белгиланган устав фондининг минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, ушбу қонунга мувофиқ Жамият ўз устав фондини камайтиришга мажбур ҳолларда эса Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги ҳолатга кўра ушбу қонунга мувофиқ белгиланган устав фонди минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

15.2. Жамият иштирокчиси улушининг номинал қийматини камайтириш йўли билан устав фондини камайтириш Жамият иштирокчиси улушининг миқдори сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

15.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг устав фонди тўлиқ тўланмаган тақдирда, Жамият ўзининг устав фондини амалда тўланган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

15.4. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

15.5. Жамият ўз устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамиятнинг устав фонди камайтирилгани ва унинг янги миқдори ҳақида Жамиятнинг ўзига маълум бўлган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда Жамият кредиторлари ўзларига хабарнома йўлланган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қабул қилинган қарор тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамият тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплашини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

15.6. Жамиятнинг устав фондини камайтириш билан боғлиқ таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш фақат кредиторлар ушбу моддада белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги далиллари тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

16-модда. Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушининг (улуши бир қисмининг) Жамиятнинг бошқа шахсларга ўтиши

16.1. Иштирокчи Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини бошқа шахсларга

сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Иштирокчининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

16.2. Жамиятнинг устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) ўзганинг фойдасига воз кечиш бўйича битимнинг ушбу моддада белгиланган шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечилгани ҳақида бундай воз кечишнинг далилларини тақдим этган ҳолда ёзма равишда Жамият хабардор қилиниши лозим. Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тўғрисида Жамият хабардор қилинган пайтдан эътиборан иштирокчининг ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини амалга оширади. Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига иштирокчининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

16.3. Жамият иштирокчиси вафот этган ҳодисада Жамиятнинг устав фондидаги улушлар жисмоний шахснинг меросхўрларига ва Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

17-модда. Жамиятнинг устав фондидаги улуши гарови

17.1. Иштирокчи устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) бошқа шахсга гаровга қўйишга ҳақлидир.

18-модда. Жамиятга қарашли улушлар

18.1. Жамият улушни (улушнинг қисмини) қонунда ва уставда белгиланган ҳолларда сотиб олиши мумкин.

18.2. Жамиятга қарашли улуш у Жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида бошқа шахсларга сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак.

18.3. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи Жамиятнинг устав фондини тегишлича камайтирган ҳолда тўланиши керак.

18.4. Улушни Жамият иштирокчининг улуши миқдори ўзгариш, улушни бошқа шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ ўзгартишларни Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш Жамият иштирокчиси қарори асосида амалга оширилади.

19-модда. Ундирувни Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушига қаратиш

19.1. Кредиторларнинг талабига биноан иштирокчининг қарзлари бўйича ундирувни иштирокчининг Жамият устав фондидаги улушига (улушнинг бир қисмига) қаратишга қарзларни қоплаш учун Жамият иштирокчисининг бошқа мулки етарли бўлмаганда фақат суднинг қарори асосида йўл қўйилади.

19.2. Иштирокчининг қарзлари бўйича ундирув иштирокчининг Жамият устав фондидаги улушига қаратилган тақдирда, Жамият кредиторларга иштирокчи улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлашга ҳақлидир.

19.3. Агар Жамият кредиторлари томонидан талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан уч ой ичида Жамият ёки унинг иштирокчиси ундирув қаратилган иштирокчи бутун улушининг (бутун улуши бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўламаса, ундирувни Жамият иштирокчисининг улушига (улушнинг бир қисмига) қаратиш уни очик ким ошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

20-модда. Иштирокчининг Жамиятдан чиқиши

20.1. Ягона иштирокчи Жамиятдан чиққанида, у тугатилиши лозим.

20.2. Иштирокчи Жамиятдан чиққан тақдирда, Жамият унинг улушининг ҳақиқий қийматини мазкур иштирокчига тўлаши шарт.

21-модда. Жамиятнинг фойдасини тақсимлаш

21.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини иштирокчи тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

22-модда. Жамиятнинг фойдасини иштирокчига тўлашдаги чеклашлар

22.1. Жамият қўйидаги ҳолларда ўз фойдасини иштирокчига тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- агар тўлаш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;
- агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

22.2. Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият ўз иштирокчига фойдани тўлаши шарт.

23-модда. Жамиятнинг захира ва бошқа фондлари

23.1. Жамият ўз устав фондидан камида 15% миқдорида захира фондидан вужудга келтиради. Жамиятнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан камида 5% ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади.

23.2. Захира фонди уставда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг зарарларини қоплаш, облигациялари ҳақини тўлаш ва Жамият томонидан устав фондидаги улушнинг бир қисmini олиш учун мўлжаллангандир.

III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ

24-модда. Жамиятнинг бошқарув органлари

24.1. Жамиятда бошқарув Ягона таъсисчи ва Бош Директор (кейинги ўринларда – Директор) томонидан амалга оширилади

24.2. Жамият таъсисчисининг мутлақ ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- б) Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- в) Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- д) Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- е) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ф) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- г) Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳ) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- и) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- й) Бошқа юридик шахсларни устав фондида иштирок этиш, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) Тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

1.1. Ўзбекистон Республикаси “Маъсулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида” ги Қонунида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

25-модда. Жамият Директор

25.1. Жамиятнинг Директори таъсисчисининг қарори билан **3 (уч) йил** муддатга тайинланади. Жамият ва Директор ўртасидаги шартнома Жамият номидан таъсисчи томонидан имзоланади.

25.2. Жамият Директорининг мутлақ ваколатлари жумласига қўйидагилар киради:

- а) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
- б) Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;\

с) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, Жамият ходимларини лавозимларга тайинлаш, уларни бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш ҳақида буйруқлар чиқаради, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

д) ушбу устав билан Жамият директори ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

25.3. Жамиятнинг Директори фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби устав, Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан, шунингдек Жамият ва Директор ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

26-модда. Аудит

26.1. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини ва бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Жамият иштирокчиси қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти чақирилади.

27-модда. Жамият ҳужжатларини сақлаш

27.1. Жамият, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қўйидаги ҳужжатларни уч йил мобайнида сақлаши шарт:

- а) Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- б) Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорлар;
- с) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- д) Жамиятнинг ўз балансида турган мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- е) Жамиятнинг ички ҳужжатлари;
- ф) Жамият аудиторнинг хулосалари;
- г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

27.2. Жамият ушбу моддада 1 пунктида назарда тутилган ҳужжатларни ўзининг жойлашган ерда сақлайди.

IV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

28-модда. Жамиятни қайта ташкил этиш

28.1. Жамият иштирокчиси қарорига биноан Жамият қонунда назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин.

28.2. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

28.3. Жамият, бирлаштириш шаклидаги қайта ташкил этиш ҳолларини истисно этганда, қайта ташкил этиш натижасида тузиладиган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

28.4. Жамият унга бошқа Жамиятни бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда улардан биринчиси юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига бирлаштирилган Жамият фаолияти тугатилгани ҳақида ёзув киритилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

28.5. Қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган Жамиятни, қайта ташкил этилган жамиятлар фаолиятини тугатилиши ҳақидаги ёзувларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳамда уставга ўзгартишлар киритишни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28.6. Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, Жамият қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида, қайта ташкил этилганда эса бу ҳақда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охиригиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамият бу ҳақда Жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда Жамият кредиторлари ўзларига хабарномалар юборилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қарор қабул қилингани тўғрисида хабар эълон

қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарилишини ва кўрган зарарларининг ўрни қопланишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

28.7. Агар бўлиш баланси қайта ташкил этилган Жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имкониятини бермаса, қайта ташкил этиш натижасида ташкил этилган юридик шахслар қайта ташкил этилган Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

29-модда. Жамиятни тугатиш

29.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонун ва Жамият устави талаблари ҳисобга олинган ҳолда қонунларда белгиланган тартибда ихтиёрий равишда тугатилиши мумкин.

29.2. Жамият суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

29.3. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлади.

29.4. Ихтиёрий равишда тугатилаётган Жамият иштирокчиси Жамиятни тугатиш ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

29.5. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатиш комиссияси Жамият номидан судда иштирок этади.

29.6. Жамиятни тугатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

30-модда. Жамият мулкани унинг иштирокчисига берилиш

30.1. Жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин қолган мулки Жамият иштирокчисига тақсимланади.

31-модда. Якуний қоидалар

31.1. Ушбу уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонун ва Жамият иштирокчисининг қарорларига мувофиқ ҳал қилинади.

31.2. Ушбу устав ўзбек тилида бир нусхада тузилган.

ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИ

«TBC CREDIT» MChJ MMТining Ягона таъсисчиси (иштирокчиси)

«TBC Bank» АТБ

Бошқарув Раиси Тетрашвили С.

